

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги**

**Андижон вилояти Марҳамат туманидаги  
30-умумтаълим мактабининг она тили ва  
адабиёт фани ўқитувчиси Кўчканов  
Улугбекнинг**

*Адабиёт фанидан б-синф  
учун дарс ишланмаси*

**2016**

## **6-синф Адабиёт 1-соат**

**Мавзу:** Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси

**Вақт:** 45 дақиқа

**Мақсад:**

1. Ўқувчилар аruz вазnidagi қasidani ifodали ўқиш kўnikmasini эгаллайдilar, ofzaki nутқи ўсади, қasida taхлиli жараёнида bилиmlari кенгаяди, ijodiy va mustaқil fikrлаш kўnikmalari rivожланади.
2. Ўқувчilarда она–Vatanга muхабbat, uning tarixi va bugunidan fahrlaniш, kelajagiga ishonch tuyғulari шаклланади.

**Жиҳозлар:** Э.Воҳидов портрети, гурухлар учун тарқатма топшириқлар, аудио ёки видео магнителефон, Ўзбекитон халқ артисти Ш.Жўраев ижро этган “Ўзбегим” қўшигининг магнит ёки видео тасмаси.

### **Дарс жараёни:**

**1 Ташкилий қисм (3 минут).** Ўқитувчи ўқувчилар давоматини аниқлагач, ўтган дарсда Ҳамзанинг “Жонларни жонони Ватан”, “Дардига дармон истамас” шеърлари ўрганилганлигини эслатиб, янги мавзуни эълон қиласди.

**2. “Ақлий ҳужум” ва ўқитувчининг тушунтириши (5 минут).** Ўқитувчи “Эркин Воҳидовни биласизми” саволи билан ўқувчilarга мурожаат қиласди. Ўқувчilar шоирнинг телевидениеда ёки радиодаги сухбатларини, шеър ўқишини кўрган, эшитган, у ҳақидаги фильмларни томоша қилган бўлиши табиий, шундан келиб чиқиб Эркин Воҳидов – Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони ва бошқа турли жавобларни бериши мумкин.

Ўқитувчи шоирнинг ҳаёти ва ijodi, xусусан, uning шеъриятида Vatan, халқ tarixi, taқdiри tавсифи, она юрт, uning бой va шонли tarixi билан fahrlaniш tuyғusi muхim ўрин тутиши ҳамда “Ўзбегим” қasidasi ҳақida қисқacha тушунтириш beradi.

**3. Қасидани ўқиши (5 минут).** “Ўзбегим” қasidasi aruz вазnidagi шеър bўлғanligi учун, аввало, ўқитувчи 3-4 байtni ifodали қилиб ўқиб, қasidani қандай ўқилишини кўrsatib beradi. Сўнgra равон va тушунарли қилиб ўқийдиган ўқувчilar томонидан шеър matni ifodали қилиб ўқиласdi.

**4. Гурухларда ишлаш (8минут).** Ўқитувчи қasida matni билан ишлашдан олдин, қasidada қайд этилган қадими жой nomlari, қадimgi turkii ёзuvlar, tarixii shaxslar, buyok allomalar, jaхон adbiёti namояndalari, bosqinchi kimsalar ҳaқida ўқuvchilarга kengroқ bilim bering berish maқsadiда ўқuvchilarni 7 ta kichik guruхlarга bўлади. Guruхlarни шакllantiriшda ўқituvchi, албатта, sinf ўқuvchilarinin bilim daражasini, temperamentini, xarakter va қobiлиятlarini xisobga olishi lозим. Чунки bitta guruхga aъlochi, xozirjavob, ikkinchi guruхga past ўзлаштирувчи, indamas ўқuvchilar yiғiliб қoliшини oldini olish guruх ishini samarali bўliшининг гаровидир. Guruхlar oldindan tayёrlab kўйилган kichik matnlar ustiда iшlайдilar. Ҳар bir guruхdan bittadan ўқuvchi чиқиб,

куйидаги матнлар солинган конвертлардан танлаб оладилар. Гурухлар танлаб олинган матнларини ўқиб чиқадилар, мазмунини ўрганадилар, мухокама қиладилар ва ўзлаштирганларини синфдошларига тушунтириб беришга, яъни тақдимотга тайёрланадилар.

### **1-конверт.**

Куйида берилган матнни гурухда дикқат билан ўқиб чиқинг. Абу Раҳон Беруний ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, мухокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

#### **Абу Раҳон Беруний**

Ўрта асрнинг буюк қомусиий олими Абу Райҳон Беруний замонасиининг қатор фанлари: астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих кабиларни чуқур ўрганди. У Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилди ва ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши орта борди. Беруний машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олди. У 22 ёшида Хоразмдан чиқиб кетиб, Каспий денгизи соҳилидаги Журжон шаҳрида, сўнг қадимги Рай шаҳрида муҳожирликда яшади ва “Осор ал-боқия” (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) асарини ёзди. Бундан ташқари астрономия, нетрология тарихига оид 10дан ортиқ асарлар ёзди. Беруний Хоразмнинг янги ҳукмдори Маҳмун II томонидан Урганчга чақиртирилади ва Маъмун раҳномолигида вужудга келган илмий марказда фаолият кўрсатади.

Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олингач, бошқа олимлар қатори Беруний ҳам Ғазна шаҳрига асир қилиб олиб кетилади. Гарчи у асирликда яшасада, кўплаб илмий асарлар яратди.

Беруний ўзидан кейинги авлодларга катта илмий мерос қолдирди. Унинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги маълум. Олимнинг “Хиндистон”, “Хоразмнинг машҳур кишилари”, “Геодезия”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, “Минералогия”, “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”, “Астрологияга кириш”, “Астрономия калити”, “Жонни даъволовчи қуёш китоби”, “Кўпайтириш асослари”, “Птолемей “Алмагести”нинг санскритчага таржимаси ”, “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар”, “Фарғоний “Элементлар”ига тузатишлар”, “Шеърлар тўплами”, “Ибн Сино билан ёзишмалар” ва бошқа асарлари илмий мерос сифатида илм-фанга катта ҳисса бўлиб қўшилган.

Беруний ижодига Европа ва Шарқ олимлари жуда катта қизиқиши билан қаради ва уни тадқиқ қилди, ўрганди. Унинг ижодига бағишилаб кўплаб халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Кўп томли сайланма асарлари ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди. Ўзбекистонда фан соҳасида эришилган ютуқлар учун Беруний номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

Кўриниб турибдики, Беруний дунёга машҳур буюк бобокалонимиз, биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

### **2-конверт.**

Қўйида берилган матнни гурухда диққат билан ўқиб чиқинг. Мусо ал-Хоразмий ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, муҳокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

### **Мусо ал-Хоразмий**

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган. Бу даврда Марказий Осиё араб ҳалифалиги таркибиға кирав эди. Хоразмий дунё фанига ғоят катта ҳисса кўшди. У алгебра фанини асосчиси бўлди. “Алгебра” сўзининг ўзи эса унинг “Ал-китоб ал-муҳтасар фи ҳисоб ал-ҷабр ва ал-муқобала” номли рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси ва шу системадаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Олимнинг “ал-Хоразмий” номи эса “алгоритм” шаклида фанда абадий ўрнашиб қолди. Унинг географияга доир асари эса араб тилида ўнлаб географик асарларнинг яратилишига замин яратди. Хоразмийнинг “Зиж”и Европада ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди. Лекин, афсуски, фанинг бир неча тармоқларига асос солган ўз даврининг энг буюк математиги ва ҳамма даврларнинг ҳам энг буюкларидан бири бўлган бу сиймонинг ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли сақланмаган.

Хоразмийнинг 20 дан ортиқ асарларидан фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар “Ал-ҷабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” – алгебрик асар, “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” ёки “Қўшиш ва айриш ҳақида китоб” – арифметик асар, “Китоб сурат-ул-арс” – географияга оид асар, “Зиж”, “Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ясаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ар-руҳома”, “Китоб ат-тахрих”, “Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”. Бу асарларининг 4 таси араб тилида, 1 таси Фарғонийнинг асари таркибида, 2 таси лотинча таржимада сақланган ва қолган 3 таси ҳали топилган эмас.

Кўриниб турибдики, Хоразмий дунёга машҳур буюк бобокалонимиз, биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

### **3-конверт.**

Қўйида берилган матнни гурухда диққат билан ўқиб чиқинг. Абу Наср Форобий ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, муҳокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

## Абу Наср Форобий

Форобий унинг таҳаллуси бўлиб тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуг Тарҳон – жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим. Фаробий ўз замонаси илмларнинг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танилганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси” деб юритилган.

Форобий туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб – Ўтрор деган жойда туғилган. Форобий бошланғич маълумотни она ютида олди. Сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун Бағдодга келади. Кейинчалик Дамашқда яшаб, илм билан шуғулланди.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160дан ортиқ асар яратган. Унинг асарларини 2 гурухга ажратиш мумкин: 1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишлиланган асарлар. 2) фанинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимга юнон мутафаккирлари – Платон, Аристотел, Эвклид, Птолемей, Порфрийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотел асарлари (“Метафизика”, “Этика”, “Риторика”, “Софистика” ва б.)ни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтира олган, камчиликларини кўрсатган, айни вактда бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи маҳсус асарлар яратган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккларининг дунё қарашини шакллантиришда, уларни Аристотелғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Форобийнинг илмий мероси умуман Ўрта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради. Мутафаккир ўз асарларини араб тилида ёзди. Шунингдек у араб ва форс тилларда фалсафий назмдаги шеърлар ҳам ёзган.

Форобий асарлари XII–XIII асрларда ёқ лотин, қадимий яхудий, форс тилларида, кейинчалик бошқа кўплаб тилларга таржима қилиниб, дунёга кенг тарқалган.

Кўриниб турибдики, Форобий дунёга машҳур буюк бобокалонимиз, биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

### 4-конверт.

Куйида берилган матнни гурухда диққат билан ўқиб чиқинг. Бобораҳим Машраб ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, муҳокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

## **Бобораҳим Машраб**

Бобораҳим Мулла Вали ўғли Машраб ўз ижоди билан ўзбек адабиётида халқчиллик, дунёвийликнинг чуқурлашувида, жаҳолат ва бидъатга қарши кураш ғояларининг кучайишида, шеърият шаклларининг такомиллашувида катта ўрин тутган сўз усталаридан биридир.

Машраб факат оташзабон ижодкор сифатидагина эмас, балки, адолатсизлик ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат билан асло келиша олмайдиган довюрак шахс сифатида ҳам донг таратган.Халқ тасавурида у жоҳил амалдорлар устидан кулувчи, ахлоқан тубан кишиларни, мунофик дин арбобларини аёвсиз фош қилиб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя этувчи ботирсўз, тадбиркор курашчи тарзида шаклланган: оддий халқ Машраб тимсолида ўзининг ишончли вакилини, ўз орзу интилишларини баралла айта оловчи оташин сиймони қўрган.

Унинг ижодий мероси “Девони Машраб”, “Девонаи Машраб”, “Эшони Машраб”, “Ҳазрати шоҳ Машраб” номлари остида халқ орасида қўллэзма ва тошбосма шаклида жуда кенг тарқалган.

Бобораҳим Машраб 1640 йилда Намангандаги косиб-бўзчи Валибобо оиласида туғилган.1711 йилда ўша замондаги ҳукмрон табақалар ва жоҳил уламоларга қарши ҳурфикр ғоялари билан кураш йўлида Балхда Қундуз ҳокимининг ҳукми билан осиб ўлдирилган.

Кўриниб турибдики, Машраб дунёга машҳур буюк бобокалонимиз, биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.

### **5-конверт.**

Қўйида берилган матнни гуруҳда диққат билан ўқиб чиқинг. Мирзо Улуғбек хақидаги маълумотларни ўрганинг, муҳокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

### **Мирзо Улуғбек**

Улуғбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида, бобоси Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилди. У Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, унга Мухаммад Тарагай исми берилган, лекин болалигидаёқ у Улуғбек деб атала бошлаб, бу исм кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди. Амир Темур вафотидан кейин кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо таҳтга ўтириди ва Ҳиротни пойтаҳт қилиб белгилади. Мовароуннаҳр пойтаҳти Самарқандни ўғли Улуғбекка топширди. Улуғбек 17 ёшида ҳоким бўлди, лекин у бобоси сингари ҳарбий юришларга эмас, илм-фанга қизиқди. Шоҳ сифатида 40 йилдан ортиқроқ мамлакатни адолат билан бошқарди. Олим сифатида расадхона қурдирди, астрономик кузатишлар олиб борди.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг ”Зиж“и бўлиб, бу асар ”Зижи Улуғбек“, ”Зижи жадиди Гурагоний“ деб ҳам аталади. ”Зиж“дан ташқари унинг қаламига мансуб математик асари ”Бир даражада синусини аниқлаш ҳакида рисола“, астрономияга оид ”Рисолаи Улуғбек“ (ягона нусҳаси Ҳиндистонда, Алигарх университети кутубхонасида

сақланади) ва тарихга доир “Тарихи арбаҳ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асариdir.

Улуғбек “Зиж”и ўз таркибиغا кўра икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 событа юлдузининг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат бўлиб, муқаддиманинг ўзи мустақил тўрт қисмни ташкил қиласди.

Улуғбек “Зиж”и ўрта асрлардаги энг мукаммал астрономик асар бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Улуғбек вафотидан сўнг унинг шогирди Али Қушчи 1473 йилда Истамбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек “Зиж”и Туркияга тарқалади ва у орқали Европа мамлакатларига етиб боради. Кўплаб хорижий тилларга таржима қилинади ва астрономия илмининг ривожланишига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Кўриниб турибдики, Улуғбек дунёга машҳур буюк бобокалонимиз, биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

## 6-конверт.

Кўйида берилган матнни гуруҳда диққат билан ўқиб чиқинг. Жорж Гордон Ноэль Байрон ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, муҳокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

### Жорж Гордон Ноэль Байрон (1788-1824 й)

Жорж Гордон Ноэль Байрон – инглиз романтизм адабиётининг забардаст вакилларидан биридир. Буюк шоир асарларида замонасидаги миллий озодлик ҳаракатини (Испания, Албания, Италия, Греция), ирланд халқининг Англия зулмига қарши олиб борган курашларини, саноат пролетариати бўлган луддитларнинг дастлабки чиқишларини ифодалади.

Байрон 1788 йили аристократ оиласида туғилади. Бўлажак шоирнинг ёшлиқ йиллари Шотландияда ўтади. Байрон 14 ёшга тўлганида лорд унвонини олади. Ҳамда Ньюостет қалъасининг меросхўри бўлади. Мактабда Байрон антик дунё адабиёти, инглиз адабиёти ҳамда қадимги тилларни ўрганади. Мактабни тугатгач, у Кембриж университетида ўқиди.

Буюк шоир ўзидан катта адабий мерос қолдирди. Унинг “Шарқ достонлари” тўплами, “Гяур”, “Абидосс келинчаги”, “Корсар”, “Лара”, “Коринф қамали”, “Паризина” романтик поэмалари, “Яхудий мелодиялари” номли тўплам, “Манфред”, “Осмон ва ер”, “Каин” номли фалсафий драматик асарлар ва Байрон ижодининг чўққиси ҳисобланган “Дон Жуан” романи шулар жумласидан.

Жаҳон адабиётининг забардаст сиймоларидан бири бўлган Байроннинг асарлари дунёning деярли барча тилларига таржима қилинган. Ўзбек тилига унинг шеърларини Ҳ.Олимжон, М.Шаҳзода, Шкурулло, Ж.Жабборов, Муҳаммад Али, Рауф Парфи каби шоирлар таржима қиласди.

Кўриниб турибдики, Байрон дунёга машҳур буюк ижодкор шахс.

## **7-конверт.**

Куйида берилган матнни гурухда диққат билан ўқиб чиқинг. Чингизхон ва Боту ҳақидаги маълумотларни ўрганинг, муҳокама қилинг ва ўзлаштирганларингизни синфдошларингизга гапириб беришга тайёрланинг. Гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузинг.

### **Чингизхон ва Боту**

XII асрда ҳозирги Монголия, Манжурия ва Шарқий Сибирнинг жанубий қисмида мўғулларнинг кўп сонли қабилалари яшаган. Чингизхон XII аср бошларида Амур дарёсининг юқори қисмлари билан Хитойнинг шимолий чегараси ўртасидаги территорияда яшаган мўғул қабиласининг хонларидан бири бўлиб, унинг асл исми Тимучин бўлган. У мўғулларнинг турли қабилаларини ва кўп сонли татарларни бирлаштиришга муваффақ бўлган. 1206 йилда Онон дарёси водийсида тўпланган қурилтойда Тимучин улуғ хон деб эълон қилинди ва у Чингизхон деб атала бошлади.

Чингизхон жанубий Сибирда яшаган кўпгина ҳалқларни ўзига бўй сундирди. Ўрта Осиёда истилочилик ишларини бошлади. Хоразм давлати, Шарқий Эрон, Бухоро, Афғонистон давлатларини ва Шимолий Хитойни босиб олди. У истило қилган мамлакатларни ва улардаги шаҳарларни ғоят шафқатсизлик билан вайрон қилди. Чингизхонга қаршилик қўрсатмоқчи бўлган аҳолини аёвсиз қириб ташлади. Моҳир хунармандларни қулларга айлантириди. Енгилган мамлакатларнинг барча молу-мулкини талади, ўзига ўлжа қилиб олди, ҳалқини эса қулларга айлантириди.

1227 йилда Чингизхон Муғул давлатини ўзининг 4 та ўғли ўртасида тақсимлади. Улуғ хон унвонини, асл Мўғулистанни ва Шимолий Хитойни унинг 3 ўғли Угадай олди. Чигатой номли 2 ўғли Амударёнинг шарқидаги Ўрта Осиё ерларини олди. Ўрта Осиёнинг ғарбий қисми шу жумладан Шарқий Эрон ва Шимолий Хиндистон Чингизхоннинг 4 ўғли Тўлуйга тегди. Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи мамлакатлар тақсимоти вақтида қазо қилган эди. Жўжининг ўғли Ботухонга Иртиш дарёсидан тортиб Урал тоғларигача чўзилиб кетган Ғарбий Сибирь ва шимолдан Касбий ва Орол денгизларига туташган территория, шу жумладан, Жанубий Урал тоги этаклари берилди.

Чингизхоннинг ворислари бўлган ўғиллари унинг босқинчилик урушларини давом эттириди. Улар ҳам Ўрта Осиёни даҳшатли вайронага ва ҳаробазорга айлантириди. Юз минглаб кишилар ҳалок бўлди. Гуллаб-яшнаб турган шаҳарлар вайронага айланди, аҳоли ўрмон ва тоғ-тошларга қочиб жон сақлади. Чингизхон барпо қилган Мўғулистан империяси XIII аср охирларида емирила бошлади ва бир-бирига мутлақо боғланмаган бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетти. XIV асрда Ўрта Осиёда икки дарё Амударё билан Сирдарё оралиғида маркази Самарқанд шаҳри бўлган Мовароуннаҳр давлати ажralиб чиқди. Мўғул империясининг емирилишида ва Мовароуннаҳр давлатини мустаҳкамланиши, гуллаб-яшнашида буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг бекиёс ўрни бор.

Кўриниб турибиди, Чингизхон ва Ботухон инсоният бошига мислсиз кулфатлар солган бокинчи кимсалардир.

**5. Видео ёки аудио магнитафон ёрдамида “Ўзбегим” қўшиғини тинглаш (5 минут).**

Дарснинг бу босқичида ўқитувчи ўқувчиларда зерикиш ёки толиқиши пайдо бўлишини олдини олиш ва гуруҳларда ўрганилган матнларда таъкидланган шахсларнинг номини шоир нима мақсадда тилга олганлигини теранроқ англаш, гуруҳ иши тақдимотининг самарали бўлишини назарда тутади ва қўшиқ орқали ўқувчиларда миллий ғурур куртакларини жонлантиради.

**6. Янги гуруҳлар ташкил этиш ва унда ишлаш. (13 минут)** Янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил берилган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар. Берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиласадилар. Сўнгра янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар.

**7. Мавзуни яқунлаш (5 минут).** Ўқитувчи гуруҳларнинг фикр-мулоҳазаларини янада тўлдиради ва бойитади. Жумладан, ҳозирги кунда Самарқандда сақланиб қолган, очиқ музей сифатида зиёратгоҳга айлантирилган Афросиёб шаҳрининг харобалари, туркийларнинг қадимиий руник ёзуви бўлган Ўрхун хотири ва унда ёзилган тошбитиклар Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни, шоир нима учун қасидада буларни қаламга олганлигини изоҳлаб, мавзуни яқунлайди.

**Уйга вазифа.** “Ўзбегим” қасидасидан парча ёд олиш.

**Кенгайтириш.** Дарсдан ташқари бўш пайтларида ўқувчилар “Ўзбегим” қасидасини ёд олиб оғзаки нутқини бойитадилар, ифодали ўқиш кўникумларини ривожлантириб, билимларини кенгайтирадилар.

**Изоҳ.** Ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида гуруҳларга топшириқ сифатида бериладиган матнларни оқ қоғозларга олдиндан ёзиб тайёрлаб қўяди.

**Баҳолаш.** Ўқувчиларнинг ифодали ўқиш, гуруҳларда ишлашдаги фаоллиги, эркин ва мустақил, ижодий фикрлаши кузатилади ва баҳоланади.

### **Ўзлаштириш самарадолигини аниқлаш учун кичик тестлар**

1. Э.Воҳидов қаламига мансуб комедия берилган қаторни белгиланг.

А. “Келинлар қўзғолони”.

В. “Олтин девор”.

С. “Темир хотин”

Д. “Оғриқ тишлар”

2. “алгоритм” сўзи қайси олим номидан олинган?

А. Мирзо Улугбек

- В. Абу Наср Форобий  
**C. ал-Хоразмий”**  
 Д. Абу Раҳон Беруний  
 3.“Шарқ Арастуси” деган номга ким сазовар бўлган?  
 А. Мирзо Улуғбек  
**В. Абу Наср Форобий**  
 С. ал-Хоразмий  
 Д. Абу Раҳон Беруний  
 4. “Зиж” китобида нечта юлдуз ҳолати ўрганилган.  
**А. 1018 та**  
 В. 1101 та  
 С. 1019 та  
 Д. 1017 та  
 5. “Ўзбегим” шеърида қандай туйгу ифодаланган?  
 А.Ўзбекларнинг фақат ўтмиши.  
 В. Ўзбекларнинг фақат келажаги  
 С. Ёш авлоднинг баҳтиёргилиги  
**Д. Ёш авлоднинг фахр туйғулари**

Тест жавоблари

1	2	3	4	5
В	С	В	А	Д

## 2-соат

**Мавзу:** Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси

**Вакт:** 45 дақиқа

**Мақсад:**


1.Ўқувчилар аруз вазнидаги қасидани ифодали ўқиш кўникмасини мустаҳкамлайдилар, оғзаки нутқи ўсади, матн яратиш жараёнида билимлари кенгаяди, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмалари ривожланади.

2.Ўқувчиларда она–Ватанга муҳаббат, унинг тарихи ва бугунидан фахрланиш, келажагига ишонч туйғулари мустаҳкамланади.

**Жиҳозлар:** Э.Воҳидов портрети, “Ҳаёт чизиги” тасвирилган плакат, гурухлар учун 5та конвертда топшириқлар, 5та ватман қоғоз, скотч, қайчи, турли рангдаги маркерлар.

**Дарснинг бориши:**

**1.“Ҳаёт чизиги” машқини бажарилиши хақида тушунтириш. (5 минут).** Ватман қоғозга туширилган “Ҳаёт чизиги” тасвири доскага илиб қўйилади.



Ўқитувчи томонидан “Ҳаёт чизиги” машқининг нима эканлиги ва унинг бажариш услуби ўқувчиларга тушунтирилади. Жумладан, “Ҳаёт чизиги” машқи бирор мамлакат, нарса ёки воқеа- ҳодисанинг ўтмиши, ҳозирги даври, келажаги ҳақида билган ва тасаввур қилган фантазияларини турли усулларда, яъни ёзиш, расм чизиш, тасвирлаш ва фотолар орқали бошқаларга етказиб бериш, тушунтириш ва у ҳақида қай даражада билим ва тасаввурга, ҳаёлий фантазияга эга эканлигини намойиш этишдир. Шу ўринда келажак ҳақида фикр юритилганда яқин ҳаётий ва узоқ ҳаёлий келажак назарда тутилади.

## **2.Гурухларда ишлаш. (10 минут)**

Синф ўқувчилари 5та гурухга бўлинади. Гурухларга ватман қоғозлар, рангли маркерлар тарқатилади. Гурухлар Ўзбекистоннинг ўтмишини, ҳозирги даврини, яқин ҳаётий келажагини, узоқ ҳаёлий келажагини қандай тасаввур қилишини тасвирлайди. Гурухлар топшириқни хоҳласалар сўзлар ёрдамида матн яратиб, хоҳласалар расмлар орқали тасвирлаб бажаришлари мумкинлиги тушунтирилади. Гурухлар учун топшириқларни олдиндан конвертларда тайёрлаб қўйилади. Ҳар бир гурух аъзолари томонидан гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади.

**3.Ифодали ўқиши машқи.(10минут)** Бу босқичда гурухларда ишлаб толиқкан ўқувчиларни бир оз бўлсада дам олдириш мақсадида Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ёд олган ўқувчилар ўртасида “Ифодали ўқиши” танлови ўтказилади.

## **4. Янги гурухлар ташкил этиш ва унда ишлаш. (7 минут)**

Янги гурух аъзоларининг ҳар бири гурух ичида навбати билан мустақил яратган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар.Берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гурух ичида ички назорат ўтказилади, яъни гурух аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиласидилар.Сўнгра янги гурух аъзолари дастлабки ҳолатдаги гурухларига қайтадилар.

## **5.Ўқитувчининг қисқа тушунтириши. (6 минут)**

**Қасида** – машҳур тарихий шахслар ва воқеаларни мадҳ этувчи тантанавор услубдаги шеър. Қасида худди ғазалдек қофияланади.Ўзбек мумтоз шеъриятида турли хукмдорлар, йирик тарихий воқеалар, табиат гўзалликлари, ҳатто ижодкорларнинг ўзи тўғрисида қасидалар битилган.XV асрда яшаб ижод этган машҳур шоир Саккокий улуғ мунахжим олим ва хукмдор Мирзо Улуғбекни шарафлаб тўртта қасида ёзган. Алишер Навоий

эса дўсти ва мамлакат подшохи Ҳусайн Бойқарога бағишилаб “Ҳилолия” қасидасини яратган.

Замонавий ўзбек адабиётида М.Шайхзоданинг “Тошкентнома”, Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим”, А.Ориповнинг “Ўзбекистон” каби қасидалари яратилди. Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини халқимиз шаъни ва шавкатига бадиий сўздан тикланган мустаҳкам обида деб баҳоласак, асло муболага бўлмайди.

### **Муҳокама.(7минут)**

- 1.Қасидани ифодали ўқий олишга эришишда нималарда қийналдингиз?
- 2.Гуруҳ ишига сиз қандай ҳисса қўшдингиз?
- 3.Қайси гуруҳ фаолияти сизга маъқул тушди? Нима учун?
- 4.Ер юзи халқларининг келажагини сиз қандай тасаввур этасиз?
- 5.“Ўзбегим” қасидасини ўқиши орқали нималарни билиб олдингиз?

**Изоҳ.** Ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида ватман қоғозга “Хаёт чизиги” машқи тасвирини чизиб, гуруҳлар учун топшириқларни олдиндан конвертларда тайёрлаб қўяди.

**Баҳолаш.** Ўқувчиларнинг ифодали ўқиши, машқни бажариш, тақдимот жараёнидаги, муҳокамада иштироки, мустақил ва ижодий фикрлаши кузатилади ва баҳоланади.

## **Ўзлаштириш самарадолигини аниқлаш учун кичик тестлар**

### **1.Қасидага тўғри берилган таърифни топинг?**

- А.Ҳалқ фикрининг қаймоғи.
- Б.Ҳукмдорларга атаб ёзилган шеър.
- С. Машхур тарихий шахслар ва воқеаларни мадҳ этувчи тантанавор услубдаги шеър.
- Д. Мирзо Улуғбекни шарафлаб ёзилган шеър.

### **2.Мумтоз адабиётда қасида ёзган ижодкорларни белгиланг?**

- А. Заҳириддин Мұхаммад Бобур.
- Б. Алишер Навоий.
- С. Саккокий.
- Д. В ва С жавоб тўғри.

### **3. Замонавий ўзбек адабиётида кимлар қасида яратди.**

- А. М.Шайхзода
- Б. А. Орипов.
- С. Э. Воҳидов
- Д. Барча жавоблар тўғри.

### **4. Э.Воҳидов достонлари берилган қаторни белгиланг.**

- А. “Истанбул фожиаси”, “Рухлар исёни”, “Палаткада ёзилган достон”.
- Б. “Истанбул фожиаси”, “Донишқишлоқ латифалари”.
- С. “Олтин девор”, “Палаткада ёзилган достон”, “Истанбул фожиаси”.

Д. “Рухлар исёни”, “Тонг нафаси”, “Олтин девор”.

### Тест жавоблари

1	2	3	4
C	D	D	A

### **6-синф Адабиёт фанидан Эркин Вохидовнинг “Ўзбегим” қасидаси мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик харитаси**

Мавзу	“Ўзбегим” қасидаси
<b>Мақсад, вазифалар</b>	<p><b>Мақсад:</b> Ўқувчилар аруз вазнидаги қасидани ифодали ўқиш кўникмасини эгаллайдилар, оғзаки нутқи ўсади, қасида таҳлили жараёнида билимлари кенгаяди, ижодий ва мустакил фикрлаш кўникмалари ривожланади;</p> <p>- ўқувчиларда она–Ватанга муҳаббат, унинг тарихи ва бугунидан фахрланиш, келажагига ишонч туйғулари шаклланади.</p> <p><b>Вазифалар:</b> Ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотилади, улар мавзу асосида керакли билим ва кўникмаларга эга бўладилар.</p> <p>Ўқувчилар қасиданинг мазмун-моҳиятини ўзлаштирадилар. Мавзуга оид тарқатилган топшириқларни гуруҳ ҳолатида ўрганиб, ўзлаштиришга эришадилар. Ўқувчиларнинг сұхбат-муҳокама орқали янги мавзуни қай даражада ўзлаштирганлиги назорат қилинади, уларнинг билими баҳоланади.</p>
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	Қасиданинг мазмун-моҳияти, тарбиявий аҳамияти, лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, қасидада яққол қўзга ташланадиган миллий ғуур туйғулари, қасидада тасвирланган давр, ўтмиш ва бугун, келажак орзулари, буюк мутафаккирлар, саркардалар, халқ қаҳрамонлари, совук урушнинг оқибатлари, юрт тинчлиги, унинг фаравонлиги буюк неъмат эканлиги.
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	<p><b>Услуб:</b> Оғзаки баён қилиш, “Бумеранг” технологияси.</p> <p><b>Шакл:</b> Сұхбат-муҳокама, жамоа ва кичик гурухларда ишлаш.</p> <p><b>Восита:</b> АКТ, матн, тарқатма материаллар, савол ва топшириқлар.</p> <p><b>Усул:</b> Тайёр ёзма материаллар асосида.</p> <p><b>Назорат:</b> Оғзаки назорат, савол-жавоблар, муҳокама, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p> <p><b>Баҳолаш:</b> Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.</p>
<b>Кутиладиган</b>	<b>Ўқитувчи:</b>

<b>натижалар</b>	<p>Мавзу қисқа вақт ичида барча ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади. Ўқувчиларнинг фаоллиги ошади. Ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғонади. Бир машғулот жараёнида барча ўқувчилар баҳоланади. Ўқувчилар оғзаки ва ёзма ахборотларни мустақил ўрганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол беріш ва саволларга жавоб берішгә ўргатилади. Матн яратиш, ўз билған ва тасаввур қилғанларини ёзма ва оғзаки баён қила олиш күникмаси ҳосил қилинади.</p> <p><b>Ўқувчи:</b></p> <p>Ифодали ўқиши күникмаси шаклланади. Янги билимларни эгаллайди. Якка ва гурух бўлиб ишлаш малакасига эга бўлади. Оғзаки ва ёзма нутқи ривожланади. Эслаб қолиши қобилияти (хотираси) мустаҳкамланади. Ўз-ўзини назорат қилиш, ижодий ва танқидий фикрлаш күникмаси шаклланади. Юрт тинчлиги, унинг фаравонлиги буюк неъмат эканлигини англаб етадилар. Ўз халқи ва юрти билан фахрланиш ҳисси шаклланади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади. Жараённи баҳолай олади ва муносабат билдиради.</p>
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар )</b>	<p><b>Ўқитувчи:</b></p> <p>Янги педагогик технологияларни ўзлаштиради ва дарсда татбиқ этиб, такомиллаштиришга эришади. Ўз устида ишлайди. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлайди ва солиштиради. Педагогик билим ва касбий маҳорати ошади.</p> <p><b>Ўқувчи:</b></p> <p>Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Ўз фикрини равон баён қила олади. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Танқидий фикрлаш тафаккури ўсади. Ўз фикри ва гурух фикрини таҳлил қилиб, муносабат билдириш, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қиласади.</p>

### “Бумеранг” технологияси

**Технологиянинг тавсифи.** Ушбу технология ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида саклаб қолиш, сўзлаб беріш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган.

**Технологиянинг мақсади.** Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан якка ва гурухда ўзлаштириб олишлари ҳамда сухбат-муҳокама ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз баҳо (балл)ларини эгаллашга имконият яратиш.

**Технологиянинг қўлланиши.** Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда сухбат- мунозара (муҳокама) шаклидаги дарсларда якка тартибда, кичик гурух ва жамоа шаклида фойдаланилиши мумкин.

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар.** Ўқувчилар дарс жараёнида мустақил ўқишилари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

**Машғулот ўтказиш тартиби.** Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

- ўқувчилар кичик гурухларга ажратилади;
- ўқувчилар дарснинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;
- берилган матнлар ўқувчилар томонидан мустақил ўрганилади;
- ҳар бир гурух аъзоларидан янги гурух ташкил этилади;
- янги гурух аъзоларининг ҳар бири гурух ичida навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;
- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гурух ичida ички назорат ўтказилади, яъни гурух аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар;
- янги гурух аъзолари дастлабки ҳолатдаги гурухларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида ўқувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гурухда “гурух ҳисобчиси” тайинланади;
- ўқувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи (ёки оппонент гурух) ўқувчиларга саволлар билан мурожаат этадилар, оғзаки сўров ўтказадилар;
- саволларга берилган жавоблар асосида гурухларни тўплаган умумий баллари аниқланади;
- ҳар бир гурух аъзоси томонидан гурухдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;
- гурухлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади (“гурух ҳисобчилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);
- гурух аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йигиндиси аниқланади;
- гурухлар тўплаган умумий баллар гурух аъзолари ўртасида тенг тақсимланади;
- дарсни якунлаш, уйга вазифа бериш.

